



# MILLIY TIKLANISH

25 (457) ● 2017 йил 21 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги олижаноб фазиладларни, шукроналик, меҳр-оқибат, ҳам-жиҳатлик каби эзгу кадрятларни мустақамлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 26 июнь душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2017 йил 26 июнь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва

бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда халқимизнинг миллий урф-одатларига мос тарзда, тартибли ва юқори даражада ўтказиш учун зарур тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 20 июнь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АҲОЛИСИГА 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастурлари амалга оширилиши натижасида юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг принциплал жиҳатдан янги тизими ташкил этилди. Республикада ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, шу жумладан, хирургия, кардиология, кўз микрохирургияси, урология, акушерлик ва гинекология, педиатрия, эндохринология, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология (кейинги ўринларда — Республика марказлари) соҳасида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва юқори малакали врачлар билан тўлдирилган ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги беш йилда Республика марказларида 150 мингдан ортиқ операциялар, шу жумладан, 80 мингдан ортиқ юқори технологик оператив муолажалар бажарилди, даволашнинг мураккаб ва ноёб услублари амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш асосан Тошкент шаҳрида жамланган, бу республика минтақалари аҳолисининг тегишли хизматлардан фойдаланишини кечлаб қўймоқда. Замонавий диагностика ва махсус тиббиёт ускуналари билан етарлича жиҳозланмаганлик, замонавий ускуналарда ишлаш учун врачларнинг етарлича тайёрланмаганлиги туфайли юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрданинг айрим турларидан республика аҳолиси фойдалана олмайпти.

Марказлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаслиги, айниқса, юқумли касалликларнинг турли соҳасида, шу жумладан, ижтимоий хавфли, онкологик ҳамда кам тарқалган касалликлар соҳасида энг хавфли ва мураккаб касалликлар тарқалиши тенденцияси ва қонуниятини ўз вақтида аниқлаш имконини бермайди.

Фракция фаолияти



## ВАКОЛАТ КЕНГ, ВАЗИФА АНИҚ, ФАҚАТ ТАШАББУС БЎЛСА БАС

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши, Тошкент вилоят ва шаҳар кенгашилари Ижроия қўмитаси девони ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 31 май-

даги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган ҳамда "Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзусидаги видеоселекторда сўзлаган нутқларининг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Юртимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш,

жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалар асосида замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънан етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

ЎзМТДП ташкилотларида

## ПИРОВАРД МАҚСАД — ИНСОН ҲУҚУҚ- МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустақамлаш борасида аниқ тақлиф ва устувор мақсад-вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий ташкилотларида Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш йўналишида белгиланган мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига содда ва халқчила тушунтириш, кенг тарғиб қилиш ҳамда унинг ҳудудлардаги ижросини таъминлашда ЎзМТДПнинг иштирокига бағишланган давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Уларда иштирок этаётган партия фракцияси аъзолари, соҳа мутахассислари ва амалиётчилар ушбу йўналиш доирасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш, аҳоли уларга эркин муносабат эти олишини таъминлаш борасида алоҳида маълумот бермоқда.

Наманган. ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Ҳаракатлар стратегияси — суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштиришнинг янги босқич" мавзусида ташкил этган давра суҳбатига соҳага оид қабул қилинмаётган янги қонун, қарор ва фармонларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ҳамкор-

ликда тарғибот тушунтириш ишларини халқчил ва ҳаётий мисоллар ёрдамида амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

— Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, суд ҳокимиятини илгариги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Тўхтабоев. — Айниқса, одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган ҳолат — судларнинг жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётига чек қўйилгани тизим ривожини йўлида муҳим қадам бўлди. Бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ-эркинликлари ва манфаатларининг амалда ҳимоя қилинишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Маъмурий қамқонни ўташ тартиби тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Рес-

публикасининг айримқонунҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-га ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги ва "Судлар тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуналар ҳамда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонларининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишонч янада ошишини таъминлайди.



Кўрик-танлов

Юрт тақдирини, келажикга эътибор аёлга эҳтирождан бошланади. Зеро, аёлнинг асраган эл қудратли, онасини эъзозлаган фарзанднинг толеи баланддир.

## СИЁСИЙ ФАОЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК БАҲСИ

"XXI АСР АЁЛИ" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ  
ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИ  
БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини оширишга қаратилган сазй-ҳаракатларда муносиб иштирок этишга интиломоқда. Жумладан, ЎзМТДП "Аёллар қаноти"нинг "XXI аср аёли" республика кўрик-танлови ташаббускор, иқтидорли хотин-қизларни кашф этишга хизмат қилаётир.

Мазкур кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари юқори савияда, иштирокчи хотин-қизларнинг фаоллиги остида ўтмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловоди Платформасида аёлларнинг жамиятимиздаги мавқенини тобора юксалтириш, уларнинг орзу-ўйлари, интилишлари ва қизиқишларини ўрганиш, куч-ғайрат, ақл-заковатини улуг мақсадлар йўлида бириктириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. "XXI аср аёли" кўрик-танловининг Фарғона вилоят босқичи ҳам партиянинг хотин-қизлар фаолигини ошириш йўналишидаги дастурий мақсад-вазифалари рўёбга қаратилди.

Ташаббус натижа берди

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ

### ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАСИ

ЎзМТДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚ  
ДЕПУТАТЛАРИ ПАСТДАРФОМ ТУМАН  
КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА МУҲОКАМА  
ЭТИЛДИ

Мамлакатимиз иқтисодийётининг етакчи тармоқларидан бири — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки юрт тараққиёти, халқимиз турмуши фаровонлиги, дастурхонимиз файзи бевосита ушбу тармоқ истиқболга боғлиқ. Шу бос ағрар секторга бозор муносабатларини жорий қилиш, ҳусусий мулкчилик шаклини татиқ этишини янада такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этишга, айниқса, олис ҳудудлар фаровонлигини таъминлаш борасидаги сазй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётир. Депутатлар ўз ваколатларидан самарали фойдаланишга, депутатлик сўровлари воситасида муаммоларга ечим излашга, доимий комиссия йиғилишлари ҳамда маҳаллий Кенгашлар сессияларида тақлиф, ташаббус-масала билан чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришмоқда.











## Кўрик-танлов

< Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

— Мамлакатимиз хотин-қизлари орасидан истеъдод эгаларини кашф этиш, сиёсий етакчиларни шакллантириш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини юксалтириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур кўрик-танлов фарғоналик партия хайрихоҳлари сонининг ошишига хизмат қилмоқда, — деди партия вилоят кенгаши раиси Умиджон Жабборов. — Бунинг натижасида ЎзМТДПнинг сайловоди Платформаси ижроси таъминланади, юксак билим ва тафаккурга эга хотин-қизларнинг ташаббуслари рағбатлантирилади ва рўйбга чиқади, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захираси мустаҳкамланади, партия электоратининг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қонунчилик борасидаги билимлари, сиёсий онги ва маданияти янада юксалади.

Тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда партиянинг мазкур лойиҳаси ўзига хос ўрин тутаётгани таъкидланди.

Иштирокчи қизлар уч шарт — “Партия менинг тақдиримда”, “Агар мен депутат бўлсам...”, “Лойиҳалар танлови” борасида ўзаро баҳслашиб, ўзининг зукколиги, ташаббускорлиги ва фаоллигини намойиш қилди. Ҳар бир шарт уларнинг жиддий кураши, баҳс-мунозаралари остида кечди.

Яқуний натижаларга кўра, ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Муаттархон Акбарова кўрик-танловнинг республика босқичига йўланма олди.

Мазкур кўрик-танловнинг **Хоразм вилоят** босқичи ҳақиқий сиёсий билимдонлик баҳсига айланди. Тадбирда ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари Муҳаббат Тўрабоева партиянинг хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларига эътибор қаратди.

— Партиямиз хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий кадрларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади, — деди Муҳаббат Тўрабоева. — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловоди Платформасида хотин-қизлар, аёллар манфаатини ҳимоя қилишга, сиёсий фаоллигини оширишга, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, маънавий кадрлар ва анъаналаримизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни навқирон авлод вакилларига безавол етказиш, ҳар жихатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этишда хотин-қизлар етакчи бўлиши лозим.

Таъкидланганидек, мазкур кўрик-танлов ҳар йили янги истеъдод эгаларини кашф этмоқда. Бу партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, сафимизни

## СИЁСИЙ ФАОЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК БАҲСИ

“XXI АСР АЁЛИ” КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

сиёсий етук аёллар ҳисобига кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Кўрик-танлов қатнашчилари ўзларининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий саводхонлиги, касб маҳорати ва билимининг намойиш этди. Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши томошабинларда катта таассурот уйғотди.

Яқунда янгиариқлик ЎзМТДП фаоли Ҳавожон Абдурахмонова ғолиб чиқиб, танловнинг республика босқичига йўланма олди. Ғолиб ва иштирокчилар ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган “XXI аср аёли” кўрик-танловининг **Тошкент шаҳар** босқичида иштирокчи қизларнинг дунёқарashi, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ва ташаббускорлиги синондан ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, “Аёллар қаноти” етакчилари, Ўзбек Миллий академик драма театри актёр ва актрисалари, Республика “Хунарманд” уюшмаси хунармандлари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Васила Файзиева мазкур кўрик-танлов хотин-қизларнинг

сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириб, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва партия захирасини сиёсий етук кадрлар билан тўлдириш, шунингдек, партия аъзоларининг сайлов тизими ва қонунчилик билан боғлиқ билимларини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

— Мустақиллик йилларида хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг истеъдод ва иқтидорини намойиш этиши учун кенг имкониятлар яратилди, — деди Васила Файзиева. — Мазкур кўрик-танлов хотин-қизларнинг юксак сиёсий-ҳуқуқий тафаккур эгаси ҳамда жамиятда рўй бераётган ижобий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси бўлишида муҳим ўрин тутади. Иштирокчилар орасидан келгусида сиёсий етакчилар этилиб чиқиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, аёл ҳар жихатдан оқила ва доно, билимли ва ташаббускор бўлмоғи лозим. Жамиятнинг ижтимоий ва маънавий муҳитини янада соғломлаштириш, ёш авлодни аждоқларга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, миллий кадрларимизни эъзозлашдек ғоятда муҳим, келажгимиз билан боғлиқ масалаларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш энг долзарб масаладир. ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов оқила хотин-қизларимизнинг

юртимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга бўлган қизиқишини янада ошириб, ўз ташаббус ва ғояларини амалга оширишида мактаб вазифасини ўтайди.

Ҳақиқий донолик ва ташаббускорлик танловига айланган тадбир давомида иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Қизгин баҳсларнинг яқуний ҳулосалари асосида партия Миробод тумани кенгаши фаоли Мадинабону Умарова ғолиб деб топилди, республика босқичига йўланма олди.

Кўрик-танлов давомида “Ўзбек-концерт” давлат муассасаси хонандаларнинг мусиқий чиқишлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бахш этди.

ЎзМТДПнинг хотин-қизларнинг дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнига нисбатан фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, бир сўз билан айтганда, ўз имкониятларини рўйбга чиқаришга қаратилган “XXI аср аёли” республика кўрик-танловининг **Андижон вилоят** босқичи ҳам юқори савияда ташкил этилди. Унда танловнинг туман босқичи ғолиблари, партия вилоят, шаҳар, туман кенгаши фаоллари, “Аёллар қаноти” етакчилари иштирок этди.

— Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ҳамда

манфаатларини таъминлаш ва химоя қилиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, жамиятда юз бераётган ҳар бир жараёндаги фаол иштирокини таъминлаш учун барча шарт-шароит мавжуд, — деди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ҳамиджон Омонов. — Партия ташкил этган мазкур танловнинг мақсади ҳам хотин-қизларга ислохотлар мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тушунтириш, имкониятлардан самарали фойдаланишга даъват қилишдан иборат. Танлов хотин-қизларнинг билим-савиясини юксалтириш, уларда дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустақил фикр уйғотиш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳиятини янада теранроқ англатишда муҳим аҳамиятга эга.

Кўрик-танлов жараёнида иштирокчиларнинг ўз кучи, билимига ишончи, мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқиши, шунингдек, нафақат оила илмида, балки сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва етакчилик маҳорати ҳам кундан кун ошиб бораётгани намойиш бўлди.

Яқунда ЎзМТДП фаоли, Олтинқул туман иқтисодиёт коллежи директор ўринбосари Зилола Тоштемирова биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди.

Иштирокчилар ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,

Алишер РАҲМОН,

“Milliy tiklanish” мухбирлари

Реклама

**“ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ” УК**  
**Хоразм вилояти шаҳар ва тумангаз**  
**филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш**  
**бошқармаси ва Урганч шаҳаргаз**  
**филиали жамоаси**

*Мамлакатимизда фаолият юритаётган*  
*оммавий ахборот воситалари*  
*ҳодимлари ва матбаачиларни*

**27 июнь** — **МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ**  
**ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**  
*билан қутлайди.*

*Эл-юрт манфаати йўлидаги*  
*фаолиятингизда муваффақиятлар*  
*тилаймиз!*

Хизматлар лицензияланган

Реклама

**Қизилтепа туманидаги**  
**“ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС”**  
**МЧЖ ЖАМОАСИ**

*Барча журналистлар,*  
*радио ва телевидение,*  
*нашриёт ва матбаа*  
*соҳаси ҳодимларини*

**Матбуот ва оммавий ахборот**  
**воситалари ҳодимлари куни**  
*билан самимий қутлайди.*

*Эзгу ишларингизда*  
*омад ёр бўлсин!*

Хизматлар лицензияланган



